


АССАЛОМ, НАВРЎЗ!

ИНСТИТУТ ЖАМОАСИ НАВРЎЗНИ ШОДУ ХУРРАМЛИК БИЛАН НИШОНЛАМОҚДА

ILM OLMOQQA INTILISH — HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ!

ZIYO CHASHMASI



ABDULLA QODIRIY NOMLI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

2008-YIL MART 1 (167) 1993-YIL 21-MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN



Жиззах вилояти ҳоқими вазифасини бажарувчи М. Анорбоев институт талабалари ва магистрларини Наврўз байрами билан кутламоқда

Ёшлар йилида аъло ўқиш ва намунали хулқимиз билан ибрат бўлайлик!

АЁЛЛАР ШАРАФЛАНДИ

7 март куни А. Қодирий номидаги ЖДПИ ректорати ташкилотчилигида 8 март «Халқаро хотин-қизлар куни» муносабати билан тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни институт ректори Олимжон Мусурмонович Дўсматов кириш сўзи билан очди. Институт хотин-қизларини байрам билан самимий табриклади. Йиғилишда «Ўзбек адабиёти» кафедраси мудирини доц. И. Икромов «Истиқлол йилларида хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни» мавзусида маъруза қилди. Институт иқтидорли талабалар марказининг аъзолари М. Исоқулов, Ф. Хушбеков ва бошқа талабалар аёлларга бағишланган шеърларидан намуналар ўқишди. Шундан сўнг институт ректорати томонидан бир гуруҳ фаол хотин-қиз профессор ўқитувчилар ва талабалар фахрий ёрлик, қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Гўзал Ўзбекистонга қадимий ва ардоқли байрам Наврўзи олам ташриф буюрмоқда. Ҳар ёнда кўклар сурури кезмоқда, табиат уйғонмоқда. Наврўз ота-боболаримиз неча минг йиллардан буён нишонлаб келаётган гўзаллик ва нафосат байрамидир. Наврўз кунлари далага кўш чиқариш ва ерга уруғ қадаш маросимини, лола сайлини ўтказиш халқимизнинг қадимий урфи. Асрий анъаналаримизга кўра бундай дақиқаларда юртимиз тинч ва обод, дастурхонимиз тўкин ва баракали бўлсин деган ниятда ерга уруғ қадайд.

Наврўз айёмидаги гўзалликни ёшликка, гўзалликка, нафосатни, барака ва бахтни соҳибжамол аёлларимизга қийлаш мумкин.

Аёллик сирини синоатининг ўзи бир мукамал илм, хазиналар қароргоҳидир. Дунёдаги барча гўзалликларнинг дояси ҳам хазрати аёлдир. Биз эркаклар ҳар бир дақиқада, лаҳзада меҳрибон онамизнинг юрак тафтини, оқила турмуш урғимизнинг садоқат ва муҳаббат билан боқувчи нигоҳини, ола-сингилларимизнинг иссиқ меҳрини сезиб, шундан куч оламиз. Ҳа, эркак қалбининг ҳукмдори муқаддас аёлдир.

Табиийки, уйдан кўнгли тўлган эркакнинг, оиласидан хотиржам беканинг орзу умидлари кенг, гўзал бўлади.

Бу эса жамият учун, миллат учун гавҳар мевалар бериши барчага маълум.

Халқ, миллат аёлдан бошланар экан, демек бу мўътабар зот жамият таянчи, оила устун, унинг гуллаб-яшнаши манбаидир. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва салоҳиятини юксалтириш, обрў-эътибори ва нуфузини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Илму фан, маънавият ва маърифат тараққиётига катта ҳисса қўшаётган оlima аёлларимиз сони ва сифати сафи кенгай-моқда. Мустақиллик йилларида хотин-қизлардан 4000 га яқини фан доктори, фан номзоди илмий даражасига эга бўлди. Юзлаб иқтидорли қизларимиз магистратура, аспирантура ва докторантурада ўқишмоқда.

Булар орасида институтимизнинг ҳам кўплаб фозила аёллари, қизлари борлиги билан фахрланамиз. Институтимиз профессор-ўқитувчиларининг 130 дан ортиги хотин-қизлардир. Шулардан 15 нафари илмий даражада, зукко олималардир. Булар жумласига профессорлар Фания Аҳмедшина, Бахти Очилова, Зулфия Пардаева, доцентлар, Дилором Хожиметова, Мавлуда Сиддиқова, Юлдуз Каримова, Нодира Соатова,

Зухра Бозорбоева, катта ўқитувчилар, Зиёда Узоқова, Гавҳар Хайдарова, Зумрад Қосимоваларни киритиш мумкин.

Маъруза ўқув йилида Дилфуза Имомова, Лола Санаева, Шаҳноза Алмаматова, Гулжаҳон Жуманазарова, Маъруза Усмонова, Роҳила Отамуродова каби ўқитувчилар номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида туришибди.

Иқтидорли талабаларимиздан Дилдора Собирова, Меҳринисо Қодирова Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2007 йил Республика босқичида қатнашишди.

Феруза Жумаева, Саодат Бобоёрова-лар 2007 йил натижалари бўйича Навоий номидаги Давлат стипендияси совриндори бўлишди. Институт талабаларидан «Келажак овози» Республика босқичида қатнашганларнинг 2 нафари, «Таълим гранти» «Камолот» стипендияларининг бир нафари қизлардир.

Бундан кейин ҳам сеvimли аёлларимиз маънавият ва зиё туғини баланд тутиб Зебунисою Нодирабегим, Увайсию, Дилшод Барно, Маъзунаю Муаззамхон, Зулфияю Зарифахонимлардек маърифатли, истеъдодли авлодларнинг муносиб ворислари сифатида истиқлол тараққиёти йўлида тинмай меҳнат қилаверадилар.

— Табиат азиз аёлларимизга мунислик ва мушфиқликни, эзгулик ва нафосатни абадий фазилат қилиб берган, — деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов. — Ҳар бир инсон кўнглини мунаввар қилувчи, наинки оилага, балки бутун жамиятга аҳлик, тотувлик меҳр-оқибат бағишловчи ҳам аёлдир.

ЯНГИЛИКЛАР

ЖДПИ Ахборот Ресурс Маркази ҳамда Ўзбек филологияси факультети хотин-қизлар Кўмитаси биргаликда «Зулфия-хоним — қизлар даврасида» мавзусида адабий мусиқий анжуман ўтказилди. Анжуманни ўзбек филологияси факультети декани, доцент А.Мусаев очди ва кеча иштирокчиларини баҳорнинг илк байрами билан кутлади. Ҳассос шоира ҳаёти ва ижодидан янги маълумотлар берди.

Кечани жонли ва мазмунли ўтказиш учун тайёрланган «Баҳор келди сени сўроқлаб» номли китоблар кўргазмаси ўтказилди. АРМ услубчиси М. Ҳайитова ва бош библиограф Н.Кенжаеваларнинг шарҳлари, фикрлари тингланди.

Шундан сўнг, кечанинг ташкилий қисми бошланди. Шоира ижодига оид шеър ва шеърлари асосида бастанланган куй-қўшиқлари тингланди.

Адабий-мусиқий кечани институт хотин-қизлар Кўмитаси раиси Зиёда Узоқова яқунлаб ардоқли шоира номи билан аталувчи «Зулфия» номли мукофотга сазовор бўлишга қорлади.

Институтимизда «Гиёҳвандликка қарши кураш ойлари» муносабати билан тадбир ўтказилди. Тадбирда маънавий-маърифий ишлар проректори, доцент А.Тангиров, вилоят ҳокимлиги бош мутахассиси А.Исроиллов, вилоят ИИБ ходими О.Равшанов, Жиззах шаҳар ИИБ ходими Ш.Бойбеков, Вилоят ОИТС маркази ходими З.Расулова ҳамда «Камолот» ЁИХ ходими Н.Дониёровлар томонидан гиёҳвандликнинг зарарли оқибатлари ҳақида ва бу иллатга қарши жиддий курашиш тўғрисида талабаларга маърузалар ўқидилар. Тадбир савол-жавоблар ва баҳс-мунозаралар асосида ўтди.

Ўзбек филологияси факультетиде Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб, бадиий кеча ўтказилди.

Тадбирга факультет декани, доц. А.Мусаев ва ўқитувчилар: филология фанлари номзоди Ю.Каримова, доцент И.Икромовлар иштирок этдилар.

Тадбирни факультет декани, доц. А.Мусаев очиб берди. Устозлар томонидан шоҳ ва шоир Бобур ҳаёти ва ижоди тўғрисида маъруза қилдилар. Сўнгра талабалар томонидан Бобур ижодидан намуналар ўқилди.

ТАБИАТНИ АСРАНГ

ГЕОГРАФИЯ ДАРСИДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

Бугунги кунда фаннинг бирон соҳаси йўқки, экологик муаммоларни ҳал этишдан четда қолган бўлсин. Шундай экан, истиқлол шарофати билан экология дарслари Ўзбекистон Республикаси мактаблари ўқув режасида ўзининг салмоқли ўрнини эгаллаган. Табиий ва иқтисодий география курсларини ўқитишда ўқувчиларга экологик таълим-тарбия бериш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги даврга келиб ижтимоий экологиянинг моҳияти ортиб бормоқда. "табиат-жамият" ягона бир бутунликни ташкил этади. Инсон табиатнинг бир қисми. У табиатни ўзгартириш қобилияти орқали унга таъсир қилади, уни моддий ва маънавий неъматларидан фойдаланади. Инсоннинг бу ҳатти-ҳаракатини ижобий ва оқилона тарзда амалга ошириши эса, бугунги куннинг долзарб муаммосидир.

Янги экологик маданиятнинг ривожланиши шахснинг табиатга нисбатан юқори даражадаги масъулиятини ифодалайди. Табиатга янги маънавий муносабатни шаклланиши тўла мазмундаги инсонпарварлик ғоясини ўзида мужассамлаштиради. Табиат қонунини оёқ ости қилиш, фақат ундан фойдаланишга интилиш, табиатга ўз шахсий манфаати нуқтаи назаридангина ёндашиш инсонпарварликка қанчалик зид бўлса, табиатга нисбатан ҳам шунчалик ётдир.

Ижтимоий экологиянинг инсонпарварлиги, айниқса, педагогика фанига яқиндир. Халқ таълимини барча муассасаларида ёш авлодни табиатни ҳимоя қилиш ва табиат инъомларидан авайлаб, зарар етказмасдан, фойдаланиш ҳақидаги билимларни шакллантиришни тақозо этади.

Экологик маданият ўқувчи ёшларимиз ижтимоий фаолликларининг ифодаси. Ўзбекистон табиий бойликларини кўз қорачигидай сақлаш ва кўпайтириш борасидаги ватанпарварлик ҳаракатларининг сарчашмаси бўлмоғи лозим. Мактаб шароитида экологик таълим тарбиянинг мақсад ва вазибаларини амалга ошириш мустақил Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги талабларга амал қилинади:

— табиий муҳит ва уни яхшилаш бўйича амалий фаолиятни маънавий жиҳатдан узвий бирлигини идрок этиш;

— экологик табиатнинг узлуклигини, предметлараро ва курслараро алоқа боғлаш билан амалга ошириб бориш;

— экологик муаммоларни умумлаштириб, айни вақтда унинг миллий ва ўлкашунослик характерида эгаллигини ҳисобга олиш.

Табиат билан жамият ўртасида ўзаро алоқадорликни кўрсат-

тишнинг ўзи ўқувчиларда реал дунёнинг бир бутун эканлиги тўғрисидаги дунёқарашини янада бойитади. Табиатни тушуниш, у билан мулоқотда бўлиш шахснинг ахлоқий тарбияси, унинг инсонпарварлик хусусияти (эзгулик, кўнгилчанлик, раҳмдил бўлиш)га даъват этади.

Гўзалликнинг битмас-туганмас манбаи бўлган табиат умуман эстетик тарбиянинг муҳим воситаси бўлиб, табиатни шавқатсизларча вайрон этишга қўл урилган кучга қарши турувчи инсоннинг камол топишига ёрдам беради.

Экологик билим меҳнат таълимида ва тарбиясида шунингдек ўқувчиларни жисмоний ривожланиши ва гигиена тарбиясида катта ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Имом Каримов ўзининг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" асарида Республикаимизнинг экологик ҳолати тўғрисида гапирар экан, "Табиий ресурслардан аёвсиз фойдаланишга, атроф муҳитга зиён етказилишига ва республикадаги экологик вазиятни ёмонлашувига йўл қўймаслик бошқа давлатлар иштирокида Оролни қутқариш, Орол бўйидаги экологик шароитни соғломлаштириш борасида самарали чора тadbирларни амалга ошириш, мазкур минтақанинг ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги фалокатли оқибатини бартараф этиш" лозим эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтди.

Ўқувчини экологик билимлар билан қуроллантириш учун умумлаштирувчи дарс уюштириш, предметлараро алоқа боғлаш, табиат қўйнига саёҳат уюштириш ва ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳат уюштириш, турли конференция ва кечалар ўтказиш муҳимдир. Ҳозирги вақтда мактаб олдида турган долзарб мавзулардан бири, таълим ва тарбия мазмунини миллийлаштиришдир. Хўш, экологик тарбияни амалга оширишда миллий пойдевор мавжудми? — деган саволга, ҳеч иккиланмасдан «ҳа мавжуд» дея жавоб беришга ишончли манба бор.

Халқ таълими, ёш авлодга экологик билим ва тарбия беришни асосидир.

Умумий ўрта таълим мактаби 5-синфи, "Табиий географиянинг бошланғич курси" да миллий-маданий меросимизда тўпланган жавоҳирдан ўқувчиларда экологик тарбияни таркиб топтириш учун фойдаланиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Ўқув дастурида кўзда тутилган "Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши" "Йил фасли" "Атмосфера" "Гидросфера" сингари бўлим ва бобларни ўрганиш жараёнида халқ мақолларидан фойдаланиш жуда ўринли ҳисобланади. Педагогик фаолиятда истиқ-

лол шарофати билан таълим-тарбияга оид ҳадислар, ўғитлар, ривоятлар, эртақ ва дostonлар намуналаридан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада ислом оламида ном қозонган юртдошимиз Имом ал-Бухорийнинг "Ал-жомеъ ва ас-саҳиҳ" асарида ёш авлодларда экологик маданиятнинг шаклланишига қаратилган ҳадис намуналари катта аҳамият касб этади.

Масалан: "Бу дунёда жониворга қаттиқ азоб берадиган кишини тангри қиёмат куни қаттиқ азоблайди", деган ҳадисни бунга мисол тариқасида келтириш мумкин. Шарқ халқлари фалсафаси, миллий маданий мероси, илм хазинаси жаҳон халқлари тараққиётида етакчи омил эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Инсон ва табиат ўртасида муносабатнинг илдизи шу макон ва манбалардан озиқланиши даркор. Биз педагоглар мана шу сарчашмадан ёш авлодни баҳраманд этишимиз ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини унутмаслиги лозим.

Ўқувчиларга бериладиган назарий билимларни ҳаёт тажрибаси билан боғлаш, табиатни асрашга қаратилган ижтимоий фойдали фаолиятни ташкил қилиш орқалигина тўла маънода экологик маданиятли шахсни тарбиялаш мумкин. Доно халқимизнинг "Бирни кессанг ўнни эк" деган мақолига амал қилиб, мактаб ҳовлиси атрофида ниҳолни кўпайтириш, сув ҳавзаларини ифлослантirmаслик юзасидан ўқувчиларга тегишли топшириқлар бериш лозим. Синф хоналари ва мактабларни сақлаш сингари малакаларни ўқувчига шакллантириш шу куннинг долзарб масаласидир.

Халқ таълими мазмунини инсонпарварлашуви ҳамда демократлашуви шарофати билан география ўқув дастуридаги айрим дарс соатларини бевожута далада, саноат вилоятида Туркистон тоғ тизмаси шимолий ён бағрида арчаларини сақлаб қолиш мақсадида Зомин тоғ ўрмон давлат қўриқхонаси, ёнғоқзорларни, ноёб қизилқум қўйнидаги қадимий маданий ёдгорликларни, қолаверса бутун табиат мажмуалари ландшафтларини муҳофаза қилиш мақсадида Нурота қўриқхонаси ташкил қилинган. Қизилқум қўйлари Ўзбекистон "Қизил китоб"ига киритилган.

Шу сабабли бўлажак ўқитувчилар режали саёҳатлар даврида атроф-муҳитнинг экологик ҳолатини яхшилаб ўрганишимиз, ўзимизга жиддий иш хулоса чиқаришимиз, келажақда иш фаолиятимизни бошлаганимизданок табиатни асраш, муҳофаза қилиш муҳим масала эканлигини ўқувчилар онгига сингдиришимиз лозим.

Хусан РАУФОВ,
табиатшунослик факультети
3-курс толиби.

ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

ЗИРК ЎСИМЛИГИНИНГ ШИФОБАХШЛИГИ

Зирк (*BerberisL*) туркуми вакиллари ер юзиде кенг тарқалган бўлиб, унинг дунё бўйича 500 га яқин тури, Ўрта Осиёда эса 8 тури мавжуд. Барбарис туркуми вакиллари 3 та тури Ўзбекистонда учрайди. Булар Қашқар зирки (*B.kaschgarica*) Помир-Олой тоғларида учрайди, қора зирк (*B.oblonga*) Тяньшан, Помир-Олой тоғларида ҳамда қизил зирк (*B.integerrina*) Тяньшан, Помир-Олой тоғларида учрайди дейилади.

Улар асосан бута кўринишида бўлиб, тошли бутазорларда, шагалли тупроқларда, арча ва ёнғоқзорлар орасида, тоғ олди ва адири олди худудларда сийрак бутазор ҳолида тарқалган.

Кейинги иккала тур Жиззах вилоятининг тоғ ва тоғолди худудларида учрайди. Бизнинг кузатишимизча, бу икки тур ўсимлиги Туркистон тоғининг шимолий ғарбий қиялигида Зомин, Бахмал, Галлаорол, Фориш, Жиззах туманларининг Ўриклисой, Пишағар, Кўрпасой, Музбулоқ, Гуралашой, Қизил Тўриқзор, Кулсойларда нами етарли ерларда, дарахт ва бутазорлар орасида учрайди.

Ҳосил мўл бўлган йили (об-ҳаво қулай келганда) сентябрь-октябрь ойларида ҳар туп ўсимликдан бир килограммгача қизил ёки қора зирк меваси йиғиб олиш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, зиркнинг хом мевалари аччиқ таъмли ва захарли ҳисобланади. Шунинг учун унинг мевасини ҳамлай истеъмол қилиш ёки йиғиб олиш мумкин эмас.

Зирклар шифобахш ва доривор ўсимлик бўлиб, танаси сершоҳ ва тиконли, бўйи 2-4 метр баландликдаги бута. Барги яхлит баргли, пояси тўқ бинафша рангда, ёш новдалари оч жигаррангда, барглари тескари тухумсимон яхлит ёки учли бўлиб, меваси қора рангда, пўсти қалин шакли эллипсимон бўлади. Мевасининг таъми нордон. Унинг ҳар бир тупидан бир килограмм мева олиш мумкин. У асосан уруғидан униб кўпаяди. Мамлакатимиз худудидаги Курама, Туркистон, Зарафшон, Ҳисор тоғ ён бағирларида денгиз сатҳидан 1500-3200 метр баландликда ўсади.

Зирк ўсимлигининг шифобахш ва доирворлик хусусияти унинг таркибидаги алкологиклар, флавоноидлар ва эфир мойларига боғлиқ.

Академик Собир Юнусов ва унинг шогирдлари маълумотларига қараганда зиркнинг 3та туридан 9 хил алкологик ажратиб олинган.

Зиркнинг шифобахшлиги жуда қадим замонлардан маълум. Ассирия подшоҳи Ашшурбанипалнинг кутубхонасидаги (эраимиздан аввалги 650 йил) сопол тахтачалардаги ёзувларда ёзилишича зирк меваси "қон тозалаш" хусусиятига эга.

Зирк ўсимлиги баргидан тожиклар сариқ касаллигини даволашда чой қилиб ичганлар. Шунингдек, илдиз пўсти ва ёш новдаларида безгакни даволашда ҳамда қон тўхтатувчи, сафро ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида фойдаланганлар. Зиркнинг қуриган меваси иштаҳани очиб, қабзиятни даволаш учун чой ҳамда дамлама ҳолда ичилади.

Тиббиётда зиркдан олинган препаратлар жигар касаллигида ўт суюқлигини ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. Бундан ташқари гипотохолецид-ўт йўлидан тошни ҳайдашда ишлатилади. Зирк мевасидан тайёрланган дамлама гинекологик касалликларда қўлланилади. яъни туғишдан кейин қон кетишини тўхтатишда, зирк баргида тайёрланган қайнатма ва дамламалардан эса бачадондан қон кетишни тўхтатишда фойдаланилади. Бунинг учун дамлама кунига 3 маҳал 30 томчидан 2-3 ҳафта давомида ичилади. Зирк илдизининг қобиғи холелитин дориси таркибига қўшилиб бу дори жигар ва ўт пуфаги касаллигида қўлланилади. Илдизидан буглама сифатида оғиз ва милкларнинг шамоллашида ва экземани даволашда ишлатилади.

Ҳинд врачлари тадқиқотлари натижасида зирк ўсимлигидан берберин алколоиди олиниб, у ёрдамида лейшманиоз ҳамда терида учрайдиган содда ҳайвонлар таъсирида юқадиган "пашшаҳурда" яъни "пендин" ярасини даволашда ишлатилдиган дори олинади. Бундай хусусиятлардан ташқари ўсимлик ўз танасида ошловчи моддалари ва эфир мойлари сақлайди.

Зиркдан "қиёми зирк" тайёрланиб ундан радикулит, ревматизм, ич қотиш ва ошқозон ичак касалликларида фойдаланилади. "Қиёми зирк" қуйидагича тайёрланади: Зирк илдизи тозаланиб, қозонга солиб сувда қайнатилади. Қайнатиш сувнинг бешдан бир қисми қолгунча давом эттирилади сўнгра эритмага озгина қурт солиб, яна қайнатилади. Қайнатма қуюқ ҳолга келгач қозондан қозонга олинади. Ушбу қуйуқ масса "Қиёми зирк" деб аталади ва қуёшда қурилади. Ушбу модда суяк синганда, пай чўзилганда, нўхотдек бўлагини озгина мол ёғи билан қўшиб ейилади. Дорини кечқурун ётиш олдида истеъмол қилинади.


Мевасидан миллий таомимиз бўлмиш, паловни тайёрлашда унга ажойиб маза берувчи зиравор сифатида ишлатилади. Шунингдек, мевасидан шарбат ҳам тайёрланади. Мевасининг таркибида С витамини, органик кислоталар мавжуд.

Шундай қилиб, зирк дориворлик, зираворлик ҳамда манзарали ўсимлик ҳисобланади. У уруғидан кўпайтирилади. Сернам ерларда зиркзорлар барпо этиб, унинг майдонларини кенгайтириш долзарб масала ҳисобланади. Бу ўимликни асраб муҳофаза қилиш биз табиатсевар ёшларнинг бурчи ҳисобланади.

У. РАҲМОНҚУЛОВ
"Инсон ҳаётини фаолиятини муҳофазаси" кафедраси
мудир, биология фанлари доктори, профессор.
Д. АБДУҒАНИЕВА,
табиатшунослик факультети 2-босқич талабаси.

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУФИЛГАН КУНИНИНГ 614 ЙИЛЛИГИГА

ОСМОН ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ



Машхур астроном, математик, тарихчи, Самарқанд расадхонасининг асосчиси ва ундаги илмий мактаб раҳбари бўлган Муҳаммад Тарагай 1394 йил 22 мартда тугилган, кейинчалик унга берилган Улуғбек лақаби унинг номига айланиб қолган.

Улуғбекнинг отаси Шохруҳ китобларни кўп севар ва бой кутубхонага эга эди. Улуғбек ёшлигиданоқ мана шу китобларни мутоала қилар, кўп вақтини шу кутубхонада ўтказар эди. У машхур Юнон олимлари Платон, Аристотель, Гиппарх, Птолемей ва ватандошлари Фаргоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби олимларнинг асарларини ўрганди ва сирли фан оламига кириб борди. Илм сирларини пухта эгаллаш учун Улуғбекда имкониятлар мавжуд эди. Чунки бу даврда Самарқанд Темур давлатининг пойтахти, Шарқнинг энг тараққий этган фан ва маданият марказларидан эди.

Улуғбекка Темур вафотидан сўнг пойтахти Самарқанд бўлган Мовароуннахрга ҳукмдорлик қилиш насиб этди. Илм-фан фидойиси бўлган Улуғбек ҳукмдорлик даврида ҳам илм аҳлларини ўз атрофига йиғиб, кўпроқ маданий ва илмий муассасалар қуриш билан шугулланди. Бухорода, Гиждувонда, Самарқандда катта-катта мадрасалар қурдириб илм-фаннинг ривожланишига ўз даврида жуда катта ҳисса қўшди.

Бухорода 1417 йил қурилган мадрасанинг пештоқида шундай сўзлар эздирди: "Илмга интилиш ҳар бир мусулмон эркак ва мусулмон аёлнинг бурчидир". 1420-йили қуриб битказилган Самарқанддаги мадрасанинг пештоқида юлдузлар тўла осмон илмига бўлган кучли интилиш натижаси деб билмоқ керак. Улуғбек биргина мадрасалар қурдириш билан чекланиб қолмади. Ана шу мадрасаларга ўз даврининг машхур математик ва астраном олимларни тўплаб илмий мактаб ташкил этди.

1424-1428 йилларда Самарқанднинг шимол тарафдаги Обираҳмат аригининг бўйида Бухак тепалигида ўз даврида энг такомиллашган асбоблар билан жиҳозланган расадхона қурилишида бош қўш бўлди. Бу расадхона фаолиятига кейинчалик ўзи раҳбарлик қилди.

Самарқанд расадхонасида эришилган илмий тадқиқотларнинг энг йириги, ҳозирча ўз илмий қийматини йўқотмаган юлдузлар ва сайёралар ҳаракатига бағишланган "Янги астрономик жадваллар" яъни "Зижи жадиди Кўрагоний" бўлиб, бу асар ўрта аср астрономия фанининг дурдонаси ҳисобланади. Айни пайтда Шарқ астрономия фанининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган бу асарда тақвим тузиш билан боғлиқ бўлган масалалар араблар, юнонлар, эрон, Хитой ва уйғур саналари, даврлар, йил ва ойлар, кун ва ҳафта, саналарнинг келиб чиқиши ва унинг бир-бирига муносабатлари, Кўёш ва ойнинг ҳаракати баён қилинган. Бу асарда 1019 та юлдузнинг вазияти аниқ кўрсатиб берилган. Ана шу жадваллар ҳозирги замон астрономик асбоблари ёрдамида текширганда ҳам деярли фарқ бўлмаганлигини кўрсатади.

Улуғбек давлат арбоби ва саркарда бўлса ҳам, у энг аввало олим ва фозил киши эди. У ўзининг математика, астрономия, тарих фанлари соҳасида қилган оламшумул кашфиётлар билан фан хазинасини бебаҳо гавҳарлар билан тўлдирди. Олимлар томонидан унинг илм-фанга қўшган ҳиссасига юқори баҳо берилган. Жумладан, йирик тарихчи олим Абдураззоқ Самарқандий у ҳақида шундай дейди:

**Чун Улуғбек Мирзо дар илми хандаса,
Натавон ёфт ҳазорон мадраса.**

Хандаса илми Улуғбек Мирзодек кишини мингларча мадрасалардан ҳам топиб бўлмайди".

Ўз даврида ва ҳозир ҳам ана шундай юқори ҳурматга сазовор бўлган олимнинг асарлари эндигина чуқур таҳлил қилиб ўрганилган. Бу ўрганишлар унинг илм соҳасидаги очилмаган қирралардир.

Қ. ҲУЛОВ,
молия-иқтисод ишлари проректори, Ўзбекистон
Республикаси Халқ таълими аълочиси

2008 ЙИЛ - ЁШЛАР ЙИЛИ

БУРЧИМИЗНИ АНГЛАШИМИЗ ЛОЗИМ

2008 йил мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан "Ёшлар йили" деб номланди. Бу эса ёшлар учун янгидан-янги имкониятларни ишга солишга қаратилган навбатдаги қадамлардан бири бўлиши билан бирга, ёшлар олдига катта маъсулият ҳам юклайди. Йилнинг бундай номланиши биз ёшлардан ўз иқтидоримизни тўлиқ намоён қилишимиз, "Ватан менга нима берди эмас, балки, мен ватанга нима бердим" қабилида иш тутушимизни талаб этади.

Ҳеч кимга сир эмаски, мамлакатимизда ёшлар учун илм, санъат, спорт соҳаларида, кўйинги, барча жабҳаларда яратилган имкониятлар чексиздир. Биргина спорт соҳасида уч босқичли мусобақаларнинг: "Умид ниҳоллари", "Баркамол

авлод", "Универсиада" спорт ўйинларининг ташкил этилганлиги ёшларга бу борада катта имкониятлар яратиб берди. Бундай имкониятларни бошқа барча соҳаларда ҳам кўриш мумкин.

Афсусланарлиси шундаки, яратилаётган бундай имкониятлардан унумли фойдаланаётган ёшлар кўпчиликини ташкил этса-да, улар орасида ҳанузгача ўз-ўзига бефарқ, лоқайд, ўз тақдири учун қайғурмайдиганлар оз бўлса ҳам учраб турибди. Бундайларни олийгоҳ талаба ёшлари орасида ҳам мавжудлиги, фақат диплом учун ўқиётганларнинг учраб туриши кишини бироз ўйлантириб қўяди. Ваҳоланки, бугунги кун ва келажак, қуруқ дипломни

эмас, ҳақиқий иқтидор эгасини талаб қилади. Шундай экан, шиддат билан ривожланаётган ҳозирги даврда биз ёшлар ҳам ўз кучимизни ва салоҳиятимизни, иқтидоримизни намоён қилишимиз зарур. Бугун мамлакатимизда ёшларга яратилаётган имкониятлардан унумли фойдалансак, фанларни пухта ўргансак, бирон бир хорижий тил ва ахборот технологияларидан мукаммал фойдаланишни ўргансак, давлатимиз кутган талабни бажарган ҳамда "Ёшлар йили" дастурининг моҳиятини тўла англаган ҳамда унинг амалга ошишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Файзулла УСАНОВ,
Жиззах Давлат педагогика институти хорижий тиллар факультети 2-курс талабаси

ТАНИШИНГ, НАВОИЙ НОМИДАГИ СТИПЕНДИЯ СОҲИБЛАРИ

Юртимизда истеъдодли ёшларга кўпгина эътибор берилмоқда. Институтимизда ҳар йили бир нафар талаба "Алишер Навоий" стипендиясига муносиб деб топилган бўлса, бу йил 2 нафар талаба бу стипендия соҳибаси бўлишди. Демак, бу эътиборнинг ҳосиласидир.

**Бобоёрова Саодат
Дониёровна**

Жиззах Давлат педагогика институти мактабгача таълим ва болалар спорти факультети 4-курс талабаси.

Саодат — изланувчан талаба. Унинг билим йўлидаги изланишлари натижаси, айниқса 2007-йил кўпроқ сезилди. У талабалар ўртасида ўтказилган Республика фан олимпиадасида қатнашиб фахрли биринчи ўрин соҳибаси бўлди. Шу йили Алишер Навоий номли давлат стипендиясига сазовор бўлди.

Саодат спорт соҳасида ҳам яхши натижаларга эришди. У курашнинг дзю-до турига қизиқади. Бу қизиқиши туфайли Республикада миқёсида ўсмир йигит-қизлар ўртасида ўтказилган кураш мусобақасига қатнашиб 1 ва 2 -ўринларни қўлга киритган.

Унинг "Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний жиҳатдан

ривожлантиришда ҳаракатли ва миллий ўйинларнинг аҳамияти", МТМ ёшидаги болаларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда машгулотларнинг аҳамияти, "Болаларни ақлий жиҳатдан тарбиялашда кўргазмалар ва қўл ҳаракатидан фойдаланиш" каби мақолалари чоп этилган.

Талаба Саодат жамоат ишларида ҳам фаол. У гуруҳ сардори сифатида факультет ташкилий ишларига ёрдам бериб келмоқда.



**Жумаева Феруза
Ўраловна**

Жиззах Давлат педагогика институти ўзбек филологияси факультети талабаси. Феруза

устозларининг ўғитларига амал қилиб, ўз устида қаттиқ ишлайди.

Тил ва адабиёт соҳасида турли изланишлар олиб бормоқда.

Унинг "Юксак маънавият-порлоқ келажак асоси", "Мунаввар Қорининг мустақил юрт қуриш йўлидаги жонбозликлари", "Абдулла Қаҳҳор - сўз заргари", "Бадийий сўз жилолари", "Мактаб дарсликларидagi айрим қоидалар ҳақида" каби мақолалари чоп этилган.

Ферузаниннг Жиззах ҳақиқати", "Жиззах овози", "Зиё чашмаси" каби газеталарда турли мавзудаги мақолалари чоп этиб келинмоқда.

У ана шундай ўқиб-изланишлари натижасида 2006 йил Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми ҳамда "Меҳр нури" жамғармаси томонидан ташкил этилган "Талаба талабага дўстми?" номли республика танловида грант соҳибаси бўлди. 2007 йил Республика миқёсида ўтказилган иқтидорли талабалар илмий ишлар танловида қатнашди ва шу йили Алишер Навоий номли давлат стипендияси соҳибаси бўлди.

Феруза жамоат ишларида ҳам фаол. У "Ёш адабиётшунослар", "Ёш тилшунослари" тўғраги аъзосидир.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ СТИПЕНДИАТЛАРИ

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмалари Марказий Кенгаши томонидан боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларга мансуб талабаларга стипендия таъсис этиб келмоқда.

Институтимиз талабалари орасидан 3 нафари -Ўзбек филологияси факультети 3 курс талабаси Шавқиддин Холбозоров, физика -математика факультетининг 3 курс талабаси Лазиз Худойбердиев, педагогика факультетининг 3 курс талабаси Юсуф Эшмирзаевлар касабаси уюшмалари Марказий Кенгаши томонидан белгиланган стипендияга тавсия этилди. Ушбу талабаларимиз ўзларининг илм-фанга бўлган қизиқишлари, жамоат ишлар ва тадбирларида фаол иштироклари билан тенгдошлари орасида ажралиб турадилар.

БАСКЕТБОЛ ҚИЗЛАР СОВРИНДОР БЎЛИШДИ

Халқаро Хотин-қизлар кунини арафасида институт талаба-қизлари ўртасида спортнинг баскетбол тури бўйича мусобақа ўтказилди. Факультетлараро бўлиб ўтган қизгин баҳсларда институтнинг жисмоний тарбия факультети қизлар жамоаси голибликни қўлга киритдилар.

Голиб спортчилар институт Касаба уюшмаси томонидан 111600 сўмлик эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Б. БОБОБЕКОВ.

Мушоира этади даво м...

МУБОРАК

Бинобарин ушбу шеърим келин бўлиш орзусида юрган қизлар эътиборига ҳам ҳавола қилинади.

Шахлохон жияним, гўзал фаришта,
Садоқат ониди аҳдинг муборак.
Оппоқ либосингдек оппоқ орзуинг,
Севинч юзларингда, бахтинг муборак.

Кимлар орзу қилмас шоҳлар бўлишни,
Қай бир қиз истамас моҳлар бўлишни.
Мен сенга тилайман бахтли кулишни,
Кўплар орзу қилган тахтинг муборак.

Севинч кўз ёшларинг гардинга, майли,
Шўхчан кулгуларинг фардинга, майли.
Ҳаётинг бағишла мардинга, майли,
Завжам ҳалолинг, нақдинг муборак.

Гулларнинг чиройи ўткинчи асли,
Сенинг руҳсорингда баҳорнинг васли.
Сен ўхшаш, Райҳоннинг ягона насли,
Ташлаган қадаминг-шаҳдинг муборак.

"Баҳор гўзал" дейди, яна биров қиш,
Аслида, гўзалдир бу ҳаёт, турмуш.
Қачонки уйингда бўлмаса уруш,
Инокликка узатган кафтинг муборак.

Қутлуг бўлсин қадаминг уй кошонанга,
Хизмат қил қайнота, қайинонганга.
Эҳтиром айлагил қувёболанга,
Шунда эъзоз топган савтинг муборак.

Тўй куни авж қўшиқ "ёр-ёр"лар Сизга,
Дўстларнинг олқиши алёрлар Сизга.
Оллоҳ гувоҳ бўлсин никоҳингизга
Иноят ҳис қилган тафтинг муборак.

Ҳаётинг бахтингга пайваста бўлсин,
Доимо киёвинг вобаста бўлсин.
Тоғаннинг бу шеъри гулдаста бўлсин,
Эрка жиянгинам, забтинг муборак.

Нурали Одил.

БИР ЛАҲЗА

Йўллар... кеча босган йўлларинг
Юрагимда чалса кўнгирик.
Келажакка тутиб кўлларинг,
Йўл бошласа ўша масъум чок.
Бир лаҳза...

Ҳаёлимда узоқ учганинг
Зиёга йўгринган чўг бўлиб.
Ўз бағрингда маҳкам қучганинг,
Эслай, дилим гурурга тўлиб!
Бир лаҳза...

Осмонларга олиб учганинг,
Борлигим ёритиб ўтмиш.
Ҳаётингга қайтдим -у'бир он,
Қувончларга боғланди кечмиш!..
Бир лаҳза...

Сабоҳат Йўлдошева.



ЎЗБЕГИМ ҚИЗЛАРИ

Сочларига ҳавас қилар кўкдаги ой,
Сухбатлашса қулоқ тутар юлдузчалар.
Бир пайтлари қолмасдингиз изларидан,
Мақтабдаги тўполончи ошиқчалар.

Энди эса бегонага ҳавас қилиб,
Унутдингиз қирқ кокил ўзбек қизин.
Йигитларга ҳайрон бўлиб қолаяпман,
Алмашсая бир булутга ўз юлдузин.

"Олдингизда оққан сувни қадри йўқ" деб,
Интилсангиз ўзга боғнинг олмасига.

Бир кун келиб изларига зор бўласиз,
Ўз боғингиз ёмон деган мевасига.


Камситсангиз Алпомиллар кўп кекжайиб,
Ёнингизда турган сулув Барчинларни.

Бир уйлангчи биз бўлмасак бу дунёда,
Ким севарди сиздек сар лочинларни.

Замонадан ортда қолмам деб ўйламанг,
Қирқта кокил атлас кийган биз бегойим.

Ўзга қизлар минг уруниб кўрмасинлар,
Бўлолмайдим уйингизда ўзбегойим.

Умида МУҲАММАДИЕВА.



ДАРДДОШИНГ БЎЛАЙ

Кел азизим сенинг дарддошинг бўлай,
Зулматинг ёритган қуёшинг бўлай?!

Олам андухлари емирса сабринг
Азизим, мен сенинг бардошинг бўлай!


Қалбингга аламлар етказса озор,
Куласан, юракчи йиғлайди зор-зор.
Биламан, кўзларинг нега интизор,
Кел, сенинг суянган тоғ-тошинг бўлай!

Ҳаё сўқмоғида адашдингми ё?
Умид- ла топганинг эдимми рўё.
Бавофо қалбидан ахтарма зиё.
Кел азизим, сечинг дилдошинг бўлай!

Интил юксакларга -қанот бўлайин,
Юрагинг оч менга, дардинг олайин.
Истасанг сен билан мангу қолайин,
Кел азизим, сенинг дарддошинг бўлай

Феруза ҚОДИРКУЛОВА,

"Ёш ижодкорлар" клуби аъзоси.



ЎХШАГИМ КЕЛАР

Қалбим орзуларга тўла лиммо-лим,
Чарх уриб вужудда шижоат елар.
Суюкли шоирим сочлари толим,
Шоира Зулфияга ўхшагим келар!...

Мадҳ этиб Ватани, булбулдек гўё,
Жўш уриб макону-гулзорни кезар.

Кўйлади чаманни тушми ё рўё,
Шоира Зулфияга ўхшагим келар.

Фарзандлар бошини силаган она,
Бахтли оиланинг бекаси улар.

Вафодор ёр бўлган сабрли, доно,
Шоира Зулфияга ўхшагим келар.

Бошга ташвиш тушса силагувчидир
Тасанно айтади унга нечалар.

Ширин сўзлари танга даводир,
Шоира Зулфияга ўхшагим келар.

Шеърят қасрининг бекаси бўлган,
Мафтундир шеърига минг-минглаб қалблар.

Тўмарис жасорати унда акс этган,
Шоира Зулфияга ўхшагим келар.

Ортида қолгандир издош қизлари,
Ҳаётбахш дарахтнинг меваси улар.

Бу мевалар боғбони устоз ўзлари,
Шоира Зулфияга ўхшагим келар.

Нафиса МУРАТОВА,

Ўзбек филологияси факультети "Ёш адабиётшунослар" клуби аъзоси.

БАХТ

Беш кўлини оғизга тиқмоқлик,
Ярашмайди сизга қадрдон.
Ҳаётда нафсига қул эмас
Тоқат билан яшасин инсон!..

Сиз ўзга кўллардан кутган ул
Насиба, сиз учун бахт эмас.
Боқингиз атрофга -мукофот,
Олганнинг барчаси бахтлимас.

Бахтлимас ўзини осмоннинг
Тўрида ҳис эган учарлар.
Заминга қайтмоққ йўл топмай,
"Буюклик дарди"га дучорлар.

Бахт асли тириклик сувидан
Кўнгилда гўборсиз симирмоқ.
Ҳаттоки рақиблар бахтидан
Дунёларга сиймай семирмоқ.

Бахт асли оёқлар заминда,
Юраклар самода сайр этса.
Бахт асли сиз айтган мисралар,
Кимнинг дардини аритса.

Дилдора СОБИРОВА



ҲАЗОНЛАРГА

Дарахт тагида тўшалиб,
Ётар олтин бир шолча.
Асов чумчуқ чириллаб,
Ҳазонларга ўқир жаноза.

Бас ётар, азалар эй қушча,
Ҳазонни ҳам қутлайлик шу дам.
Шу барглар яйрар, у уч ёшда,
Жунжикиб хаёлга чўкаман мен.

Бир тиллақош, бир кумуш ранг
Алвидо эълонинг ўқир ҳазонрез.
Айрилиқдан ҳатто дарахтжон,
Зир титрайди яланғоч яланг.

Шамол куйлар куз алёрини,
Муаллақ, Ҳавода раққосалар.
Мен шайдо, куйдирди мендек ағёрини
Ҳазонимни олиб қочди шаббодалар.

Пандлар эшитсам, эслайман Яссавийни,
Эртақ тингласам, Мир Аммон Дехлавийни.
Йиғлади тупроқ, бўлиб қалами Бобур,
Хитоб этмиш- "Юрт гадосиман"-дея шоир.

Шеър бўлди улуг беш тоқ ҳазрат Низомий,
Изларидан излаб кетди назм шоҳи Навоий.
Қандай назм эди, гулистонларда ваҳ, ёро,
Оқибат, гўрида чекиб фарёд урди Бойқаро.

Севаман, тинглаб Атоийнинг газалларини,
Лолман ўқиб, Гулханийнинг масалларини.
Машраб бўйнига дорни маржон айлади,
"Анал -ҳақман" дебон нолон айлади.

Оч қорни билан қалам ушлаб Махмур,
Билмак истасанг ҳолин, Хапалақда юр.
Моҳира сеҳрли қаламинг озод эт,
Жаҳолат пардасин доим барбод эт!

Моҳира АНҚАБОВЕВА,
"Ёш адабиётшунослар" клуби аъзоси.

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ёш мухбирлар, талабалар ва ёш ижодкорлар ҳамда профессор-ўқитувчилар!

"Зиё чашмаси" газетаси бундан буён мунтазам чиқариб турилади. Институтимиз ҳаёти билан боғлиқ янгилик, хат-хабарларингизни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

Институт биноси «Ўзбек филологияси» факультети, 3-қават 330-хона.
«Зиё чашмаси» таҳририяти.

АРАБ МАҚОЛЛАРИ

- Яхши сўз душманни ҳам дўст қилади.
- Ақлли сўз нуқра бўлса, тинглаш тиллога тенгдир.
- Яхши сўз асони ҳам синдирар.
- Кимки олдинда бошқаларни ғийбат қилса, бошқалар олдида сени ҳам ғийбат қилади.
- Кўп қасам ичган, албатта, ёлғон сўзлайди.
- Ўз сиригини ўзингдан бошқа яхши сақламайди.
- Олов ёққан билан қозон қайнамайди.
- Бўш чуқур шабнам билан тўлмайди.
- Сабр аччиғида ширин ҳосил бўлади.
- Тук ҳамма ёмонликларни яширади.

Жалолiddин Жўраев таржимаси

Суратда: Ўзбек филологияси факультети декани, доцент Абдували Мусаев, ўқитувчи Ҳақим Уроқов ёш ижодкорлар даврасида.



МУАССИС:
Абдулла Қодирий номидаги
Жиззах Давлат педагогика
институтини

Бош муҳаррир:
Олимжон Жўраев

Редакцияга келган хатлар таҳлил этилмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида №06-028 рақами билан рўйхатга олинган.

Манзил: Ш. Рашидов шоҳ кўчаси
Абдулла Қодирий номи Жиззах Давлат педагогика институтини «ZAMIN PRINT» МЧЖ босмаҳонасида офсет усулида 1000 нусхада босилди. Буюртма № 133